

Ш.М. Камбарова,
катта илмий ходим-изланувчи,
ТДИУ ҳузуридаги ИТМ

КИЧИК КОРХОНАЛАРДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ –ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

В статье показано производство продукции на малых предприятиях с использованием научно-технических достижений и привлечение инновационных новых решений. В месте с тем что, в данной статье показано, проблемы привлечение инновационных новых решение, достоинства, а также процесс дальнейшего его развития.

The article shows production in small businesses using scientific and technological advances and innovative new solutions. In place so that this article demonstrates problems attracting innovative new solution, dignity, as well as the process of its further development.

Калитли сўзлар: бозор конъюнктураси, фан-техника, модернизация, инновация, нанотехнология, фармакология, фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика.

Республикамызда кичик корхоналар сони ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кичик корхоналар Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Мулк тўғрисида”, “Эркин тадбиркорлик фаолияти кафолатлар тўғрисида”ги каби қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилмоқда.

Шу билан бир қаторда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 майдаги Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида муҳим аҳамиятга эга [1].

Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида инновацион технологияларнинг серияли ишлаб чиқаришга жорий этилиши 2013 йил I ярмида 43 млрд. сўмликдан ортиқроқ инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди [2].

Инновация ярмаркаларида тузилган шартномалар доирасида шу йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотларининг тажриба намуналари ишлаб чиқарилди, 11 шартнома бўйича янги технологиялар ишлаб чиқаришга жорий этилди, 15

лойиҳа асосида мамлакатимиз илмий ва таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган илмий маҳсулотлар етказиб берилди, 9 лойиҳа бўйича ташкилотларга илмий-техник хизмат кўрсатилди. 6 турдаги инновация маҳсулотлари, жумладан, ўтга чидамли енгил буюмлар ва юқори ҳароратли ўтга чидамли материаллар, шунингдек, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди [3].

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган фаол иқтисодий сиёсат ҳамда тадбиркорлик ривожини учун яратилаётган мана шундай бемисли имкониятлар натижасида, жорий йилнинг 9 ойи давомида 29,4 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди. Қувонарлиси шундаки, ушбу даврда замонавий технологияларга асосланган 800 тадан ортиқ корхона, жумладан озиқ - овқат саноатида - 279, енгил саноат соҳасида - 201, қурилиш моллари ишлаб чиқаришда - 234, ёғочни қайта ишлаш саноатида – 36, машинасозликда – 12, кимё саноатида – 8 ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди [4].

Кичик корхоналар фан-техника тараққиёти шароитида саноатнинг етакчи соҳаларини янги технологияларга ўтишда тобора ўз ўрнини топиб бормоқда. Улар янги фикрлар ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги ахборот технологияларини жорий этиш билан иш жараёнини таъминловчи тизимнинг асосий боғловчилик сифатини намоён этмоқда.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес фан-техника ривожини жадаллаштириш, саноатнинг илғор тармоқларида янги технологияларга ўтиш шароитида ўз ўрнини топиб бормоқда. Бундай тадбиркорлик янги ахборот технологиялари, янги ғоялар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан ишлашни таъминловчи бутун тизимнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Бундан ташқари, кичик корхоналар таваккалчилик хавфи юқори бўлган шароитларда ишлаб чиқаришнинг маъқул шаклларида ҳисобланади.

Кичик корхоналар технология янгиликларини жорий этишда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга. Янги технологик ғояларни йирик корхоналарга нисбатан тезроқ қабул қиладиган кичик бизнесда хатар камроқ ва катта туркумдаги ишлаб чиқаришга нисбатан ишни тезроқ йўлга қўйиш мумкин. Бу эса бизнинг шароитда фан-техника тараққиётини ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин [5].

Машҳур америкалик иқтисодчи Й.Шумпетер (1883-1950) тадбиркорликни инновация билан боғлаб қуйидаги фикрларни билдирган, яъни у ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган. Олим тадбиркорлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта роль ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: «Функцияси янги комбинацияларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаймиз». Ушбу муаммога иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотида сазовор бўлган (1974) инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайн (1899-1984) бошқача ёндашган. Унинг фикрича, тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий

имкониятларни излаб топиш, хатти-ҳаракатларни таъминлашдир. Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талкин этади.

Америкалик олим Р.Хизрич эса, «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс», – деб таъкидлайди.

Америкалик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг фикрига кўра, тадбиркорликнинг инновация характери қуйидагиларда акс эттирилади:

- бозор учун янги товар ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш;
- янги сотиш бозорларини ўзлаштириш;
- хом-ашёнинг янги турлари ва манбаларини топишдан иборат [6].

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” бўйича қабул қилинган давлат дастурида асосий устувор йўналишлардан бири сифатида sanoat тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди [7].

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига тез мослаша олиши уни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва инқироздан кейин иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш шароитида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантормоқда.

Шундай экан, эндиликда кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан кўпайтириш, балки уни аввало сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Юртимизда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини янада чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион ривожланиш йўллариини ишлаб чиқиш орқали илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни мустахкамлашга бўлган эътибор йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларини эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес субъектларида янги техника ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга юқори таваккалчиликларсиз жорий этиш,

янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб, ундан самарали фойдаланиш жараёни йирик корхоналарга нисбатан тезроқ рўёбга чиқади.

Шу жиҳатдан, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар қилиб айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ўзининг ижобий самарасини беради.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти, аввало амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш, иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг барча турларини қисқартириш, учинчидан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархларини пасайтиришда уларнинг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб боришни талаб этади. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришдан мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида соҳа рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Фикримизча, Ўзбекистонда илғор илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш қуйидаги омиллар ҳисобига муҳим зарурат ҳисобланади:

- кичик бизнеснинг бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиш хусусиятларига эга эканлиги инновацион технологияларни жорий этишда йирик корхоналарга нисбатан юқори таваккалчиликнинг пастлиги жиҳатидан яхши самара беради;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятига инновацион технологиялар жорий этилиши уларнинг юқори трансакцион харажатларини камайтириб, рентабеллик кўрсаткичларини оширади;

- кичик бизнес субъектларининг янгиликларни тезкорлик билан ўзлаштира олиш салоҳияти уларга инновацияларни тижоратлаштиришдан юқори даромад олиш имкониятини беради;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятига бошқарувнинг инновацион технологиялари жорий этилиши улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш, товар ва хизматлар номенклатурасини ошириш, янги товар турларининг сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш ҳисобига уларнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширади [8].

Мамлакатимизда инновация фаолиятини ривожлантириш учун илмий, меъёрий-ҳуқуқий асослар мавжуд ва кадрлар салоҳияти анча юқори даражада. Бироқ, мазкур салоҳиятдан самарали фойдаланиш кўрсаткичи талаб даражасида эмас. Фаолият кўрсатаётган 222 та илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик муассасаларининг 8,5 фоизигина инновация фаолияти билан шуғулланади. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш даражаси ҳам нисбатан паст.

Масалан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 78 та патент олинган, холос (жадвал) [9].

жадвал

Ўзбекистон Республикасининг фан-технологиялар ва инновация салоҳиятининг асосий индикаторлари

№	Инновацион салоҳияти кўрсаткичлари	2008 й.	2009 й.	2010 й.
1	2	3	4	5
1.	Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасалари сони	183	222	222
1.1.	Тажриба-конструкторлик ташкилотлари сони	14	19	19
1.2.	Инновацион марказлар сони	7	9	13
2.	Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган молиявий маблағлар динамикаси, ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида	134,1	196,2	136,3
2.1	Инновация илмий техника дастурлари сони	194	171	221
3.	Илмий тадқиқотчилик ва тажриба конструкторлик ишлари билан шуғулланаётган илмий ходимлар сони	24189	26145	26367
3.1.	Фан докторлари сони	2590	2721	2989
3.2.	Фан номзодлари сони	8760	9231	9301
4.	Бажарилаётган давлат илмий техника дастурлари сони	1789	1217	1264
5.	Давлат илмий техника дастурларига ажратилган бюджет маблағлари динамикаси, ўтган йилга нисбатан % ҳисобида	135,6	180,5	137,7
6.	Кичик бизнес субъектлари томонидан олинган патентлар сони	51	69	78

Манба: Индикаторы науки, технологий и инновационной деятельности Республики Узбекистан. Комитет по координации развития науки и технологий при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Статистический сборник. –Т.: Изд-во «Фан ва технология», 2010. –с.122.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фирма иши ва унинг ходимларини янгиликлар асосида янада мукамалроқ мунтазам ўзгартириш тобора муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, шунинг учун бунинг устида кўпроқ тўхташ лозим. Илмий техника инқилоби даврида фан ютуқлари, саноатнинг техника ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, корхонанинг иқтисодий фаолиятига муҳим таъсир ўтказди. Тадқиқотлар ва ишланмаларни жадаллаштириш, компанияда мавжуд бўлган фан-техника имкониятларидан ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришда ва фойдани кўпайтиришда максимал фойдаланишга интилаётганидан гувоҳлик беради [10].

Тарихан ишлаб чиқариш кучлари ривожланишида юз берган йирик ўзгаришлар ҳам ишлаб чиқариш ва капиталнинг марказлашувида муҳим аҳамият касб этади. Янги турдаги машиналарнинг яратилиши, энергетика,

технологияда юз берган ижобий ўзгаришлар йирик ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантирди. Буларнинг барчаси кичик бизнес аҳамиятини пасайишига олиб келди ва йирик корхоналарнинг афзалликлари, аввало, уларнинг техника билан таъминланишида ўз аксини топди.

Фикримизча, XXI аср бошларига қадар йирик корхоналарнинг устун даражада ривожланиши, техника-технологияларининг йирик ҳажмда эканлиги ва шу аснода ишлаб чиқаришнинг ҳам кенг кўламда ташкил этишни тақозо этилиши, уларга бўлган нархларнинг юқорилиги эса, кичик корхоналар томонидан техника-технологияларни сотиб олиш имкониятини чеклаб қўйиши билан намоён бўлди. Юқори нархли техника ва технологиялар фақат оммавий ишлаб чиқариш шароитида ўз-ўзини оқлаши натижасида эса, имконияти чекланган корхоналарнинг рақобатбардошлик даражаси пасайиб, уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошиб кетиши интеллектуал салоҳиятли мутахассисларнинг йирик корхоналарга интилиши билан изоҳланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг глобаллашув ва халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари кучайиши шароитида мавқеи ошиб боришини куйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин, улар қаторида:

Биринчидан, иқтисодийёт ривожланишининг янги босқичида истеъмолчилар корхонанинг ҳажми (катта-кичиклиги) билан белгиланувчи миқдорий кўрсаткичлардан кўра, маҳсулот, хизмат, сифат кўрсаткичларини афзал била бошладилар. Бундай шароитда қатъий таркибга эга бўлган йирик корхоналарга қараганда, бозор муҳитига тез мослашувчан кичик корхоналар истеъмолчилар талабларига мос товарларни кўпроқ ишлаб чиқарадилар.

Иккинчидан, фан-техника тараққиётининг янги босқичи ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини кенгайтириш, кўплаб тармоқларда корхоналар ҳажмини оқилона кичрайтириш, турли хилдаги товар ва хизматларни таклиф этиб, таклифнинг индивидуаллашувини таъминлаш билан бирга кичик корхоналарни уларнинг ҳажмига мувофиқ келувчи техника билан таъминлади. Микропроцессорлар, мини ускуналар, мини ЭҲМлар ва бошқалар ана шундай техникалар жумласидандир. Бунинг асосида эса, бугунги кунда доимо йирик ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланган металлургия соҳасида ҳам йирик корхоналар билан бемалол рақобатлаша оладиган кичик бизнесни ташкиллаштириш одатий тусга айланмоқда.

Учинчидан, ҳозирги кунда истеъмолчининг психологияси товар ва хизматларни истеъмол қилишга нисбатан ўзгарди. У бугунги кунда стандарт маҳсулотлар сотиб олишни, бир хил кийим кийишни, бир хил машинада юришни истамайди, яъни талаб кундан-кунга дифференциялашиб бормоқда, десак муболаға бўлмайди. Шу боис, ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йирик корхоналарнинг рақобатчиси, ишлаб чиқариш ва бутун иқтисодийётнинг ривожланиши ички бозорни товар ва хизматлар билан тўйинтиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Кичик бизнеснинг ривожланиши бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш, тармоқ ва ҳудудий монополизмга барҳам бериш, рақобат муҳити вужудга келиши ва кенгайиши, илмий-техника натижаларини

ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнеснинг ижтимоий вазифалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кичик бизнес кишиларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик, ижодкорлик салоҳиятларини намоён этиш учун қулай шарт-шароит яратади. Унда йирик корхоналардан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш натижалари ва ишловчилар манфаатлари ўртасидаги боғлиқлик яққол кўриниб туради.

Кичик бизнеснинг энг оммавий тури –йирик корхоналар учун бутловчи қисмлар ва хизматларни етказиб беришдир. Маълумки, энг йирик электр техникаси, электроника, автомобиль монополияларининг юз минглаб таъминотчилари, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик фирмаларидан иборатдир. Бундан ташқари, дунёдаги миллионлаб кичик компаниялар турли йўналишларда хизмат кўрсатади. Кичик тадбиркорликнинг мазкур тури нафақат иқтисодийётнинг мўътадиллиги учун зарур, балки ишлаб чиқариш ўсиши, меҳнатнинг тақсимланиши ва фан-техника тараққий этиши баробарида ҳам унинг миқёси кенгайверади [11].

Тадбиркор янги товар ишлаб чиқариш жараёнида илмий-техника тараққиётини ҳисобга олиши лозим, чунки техника ва технологияни ривожлантириш натижасида маҳсулот (товар ва хизмат) тезда эскириб қолади. Тадбиркор келажакда вужудга келиши мумкин бўлган эҳтиёжни қондириш учун ишлаши керак.

Бугунги кунда 2014 йил 7 апрелда, ПФ-4609-сонли “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинган бўлиб, ягона мақсадга йўналтирилган ҳолда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Фармонни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологиялар маркази муаммолар бўйича кенгаши, тармоқ илмий-техника марказлари, вилоятлар қошидаги фан ва техника халқаро марказлари ҳамда илғор технологиялар марказлари иштирок этдилар. Халқаро марказларда амалий (ишлаб чиқариш тузилмаларида тайёрланган) ва инновацион (фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасидаги) вазифа ҳамда муаммолар шакллантирилиб, консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатилди. Шу билан бирга бу соҳада ҳали амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўп. Жумладан, инновация лойиҳаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш зарур [12].

Айтиш мумкинки, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси фундаментал тадқиқотдан ишлаб чиқаришгача бўлган илмий асосланган маҳсулотни татбиқ этилиши муддатини қисқартиради. Турли даражадаги инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги иккиланмасдан давлатлараро, минтақалараро, миллий ва ҳудудий даражада амалга оширилади.

Ўз ишини бошламоқчи бўлган ёш тадбиркорларга консалтинг ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатувчи технопарклар ва мутахассислар маркази ташкил қилиниб, инновацион дастурлар фаолияти амалга оширилади. Шунинг учун таълим муассасалари янги билимлар ва илмий асосланган бизнесни юритувчи кадрлар маркази сифатида бош ролни ижро этади [13].

Хулоса. Бугунги кунда ҳар бир кичик корхоналарда илмий-техник салоҳият, янги техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмолчилар талабларини қондириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш долзарбдир. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда, айтишимиз мумкинки, янада юқори технологияларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, чет эл инвесторларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, инновацион технологияни йўлга қўйиш ҳар бир сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун муҳим асос ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори <http://uzscience.uz/index.php/uz/normativ-docs-uz>
2. Ўзбекистон иқтисодийёт ахборот-таҳлилий бюллетень 2013 й. Январь-июнь –Т.: 2013. 5-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида. http://stat.uz/uz/press/9141/?sphrase_id=124559
4. Абдуазизов Д. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт Вазирлиги ўринбосари, барқарор иқтисодийётимизнинг муҳим таянчи <http://www.gov.uz/uz/press/economics/11891> 01.11.2011
5. Қосимова М.С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ - 2012. 224-226 б.
6. Бурхонов З.Н. Тадбиркорлик тафаккури шаклланишининг ижтимоий - маданий хусусиятлари <http://burhonov.zn.uz/231>
7. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ-1474-сон 2011 йил 7 февраль.
8. Мирхамидова Д.Н. “Инновациялар ва тадбиркорликда янгилашиш жараёнлари”, “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. – Т.: 2013. № 6
9. Эргашходжаева Ш., Самадов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: Маъруза - Т.: ТДИУ, 2011. - 211 б.
10. Бабаходжаев Ғ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрни 05.02.2013 <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/15423-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-mamlakat-ijtimoiy-iqtisodiy-rivojlanishida-tutgan-orni>.
11. Болтабоев М.Р., Қосимова М.С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: ТДИУ, 2012. 46-б.
12. Қосимова М.С., Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. 132-135 б.

13. Тўйчиев А. Кичик бизнес ва инновациялар трансфери. Каримов А. таҳрири остида «Молия» илмий журнал. Тошкент молия институти. – 2012. № 4, 57-б.